

Ҳар бир буюк инсон ортида бир аёл бор



13:00 / 23.12.2021 2719

Абу Саъидхўжанинг ўғли муфтий Абу Тоҳирхўжа ўзининг машҳур «Самария» номли асарида шундай дейди:

«Нақлда борким, ҳазрат Абу Мансурнинг хотини дағал ва бадфеъл хотин эди. Бир кун шайх танурга ўт қўяётган эди, хотини жаҳл қилиб шайхнинг муборак орқасига беш бор тепди. Шайх умрининг охирида «ўша беш тепки билан (мен ва Хақ таоло орасидаги етти пардадан) беш парда ўртадан кўтарилди ва ўттиз икки йил рўза тутиб, кечалари тик туришни бажо келтирдим, токи қолган икки ҳижоб (ҳам) ўртадан кўтарилсин деб. Қани энди (ўшанда) яна икки тепки ҳам тепганда, бунчалик машаққат чекмаган бўлур эдим».

Айтмоқчиларки, имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳ дунёни асрлар оша лол қолдирган ақлу илм, валоят соҳиби бўлишига қарамай, хотини у кишини менсимас, ҳатто у кишини аёлга кўмак учун тандирга ўт ёқиб бериб турганида тепишга ҳам журъат қилар экан. Бу аёлнинг бундай бетарбия, бадхулқ бўлгани «Салоти Масъудий» китобида ва бошқа катта аҳли илмларнинг нақлларида ҳам мавжуд. Хуллас, ҳазрат Имом Аллоҳ таолога яқинлашишига, улуғ даражаларга эришишида ўша хотиннинг озорларига чидаши сабаб эканини айтган эканлар.

Мен ҳар бир буюк инсон ортида бир аёл бор, деса бошқача тушунарканман, қаранг, мана бунақаси ҳам бўларкан. Аёлларимиз омон бўлишсин, нима қилиб бўлса ҳам, умматга катта хизмат қилишар экан, буюкларни етиштириб беришар экан.

Ҳасан Ал Муқрий